

МАМЛАКАТ бўйлаб

Корхонанинг экспорт салоҳияти

Хоразмдаги кенжа корхоналардан саналган «Хазораспекстекстиль»нинг махсулот ишлаб чиқариш салоҳияти ортомқода.

Жорий йилнинг ўтган орти ойи мобайнида корхонада 518 тонна ип-ка-лава ишлаб чиқаришга эришилди. Махсулотнинг 414,5 тоннаси хоризга экспорт қилинди.

Корхонада йил охиригача 1286,2 тонна махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аёллар учун ўқув маркази

Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Қирғай туманида аёлларга мўлжалланган янги ўқув маркази ташкил этилди.

Уни жиҳозлаш учун Япония ҳукумати ва Ўзбекистондаги ваколатхонаси қўмағида умумий қиймати 20 минг 176 АҚШ долларига тенг тижув дастохлари, компьютерлар ва мебеллар келтирилди.

Марказдаги машгулотлар чеварлик, компьютер саводхонлиги ва пазандлик йўналишлари бўйича олиб бори-

А. ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мактабнинг янги биноси

Янги ўқув йилидан бошлаб Пешку тумани Захаш қишлоғида жойлашган 42-мактабда дарсларни икки сенада ўтишга ҳолат қолмади.

«2007-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»га мувофиқ бу ерда билим масканининг икки қаватли янги биноси қад ростлади. Бунинг учун Бухоро вилоятидаги 202-қўйма механизацияланган жамланма бунёдкорлари қарийб 300 миллион сўмлик курилиш ишларини бажардилар. Барча кулайликларга эга бўлган мактаб биноси Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Йўловчиларга қулайлик

Таътилар мавсумида Оролбўйи ҳудудидан Фарғона водийсининг сўлим гўшаларида хордиқ чикаришни истовчилар сони кўпаяди.

Улар учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ажойиб қулайлик яратди: ҳафтасига бир марта «Нукус-Фарғона» йўналиши бўйича самолёт қатнови йўлга қўйилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, «Иж-

я. ҚўҶОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мавсумга ҳозирлик

Қиш сўрови қаттиқ. Шу боис ҳам Андижон шаҳар ҳокимлиги капитал курилиш, коммуникация, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш бўлими қишки мавсумга жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Ҳозирга қадар 6 километр масофадаги газ қувурлари жорий таъмирдан чиқарилди. Таъмирталаб бўлган 28 та кўп қаватли турар жой бинолари таъмирланди, иссиқлик тармоқлари созиланди.

Шунингдек, шаҳардаги мавжуд қозонхоналар ҳам қиш мавсумига тахт қилиб қўйилди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг Жиззах вилоятида ушбу тармоққа икти-сослашган фермер хўжаликлари сони беш мингдан ошди.

Боғлар саховати

Бу йил улар истеъмолчиларга 169 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот етказиб беришни мўлжалламоқда.

Бахмал туманидаги «Сардор Абдувоҳидов» фермер хўжалиги ёлғозлари ўн гектар олмазорини парварилламоқда. Хўжалик туманидаги «Бахмал golden apple» қўйма корхонаси билан 82 тоннадан зиёд махсулот етказиб бериш юзасидан шартнома имзолаган.

Шартнома мажбуриятининг асосий қисmini эр-

Т. БЕКНАЗАРОВ, ЎзА мухбири.

МАЙКЛ БАРРИ ЛЕЙН:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛДИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

адрес матолари тикувчилигини йўлга қўймоқчимиз. Бундан кўндаланма мақсад Ҳасимовга келатган зиёратчи ва савҳатчилар маҳаллий тикувчилар томонидан яратилган амалий санъат намуналарини харид қилишлари учун қулай имконият яратиш билан изоҳланади.

Яқинда Самарқандда ҳам яна бир қизиқarli лойиҳани амалга оширдик. Унинг доирасида машур Самарқанд қозонининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Қадим замонларда Сиёб дарёси бўйида бутун дунёга донғи кетган бу қозонни ишлаб чиқарувчи корхоналардан бири жойлашган. Биз ўша ерда муъажжиза устахона очиб, қадимий усуллар асосида қозон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Корхона шарҳа келган сайёҳларнинг энг қизиқarli жойларидан бирига айлангани ҳолда улар учун 8-9 асрларда бутун дунёни ром этган қозонни харид қилиш имконияти вужудга келди.

— Юртимизда ўтказган йилларнингиз давомида Сиз Ўзбекистон халқи учун муҳим аҳамият касб этувчи маданий жараёнларда иштирок этиш имконига эга бўлдингиз. Сиз Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олишининг гувоҳисиз, десак муболага бўлмас. Шундан келиб чиққан ҳолда рўй берган ўзгаришлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Юртимизда рўй берган янгиланишларнинг салмоғини ҳис қилиш учун Ўзбекистонга мустақилликдан аввал келиш ва ўша даврдagi ҳаётни ҳозирги замонадаги турмуш даражаси билан солиштириш керак. Мен бу ерга мустақилликнинг илк йилларида бир келган эдим. Ҳозир тўла ишонч билан айтман: бугун Ўзбекистон умуман бошқа мамлакатга айланган. Турмуш даража-

си ва қулайлиги, инфратузилма, иқтисодийнинг турли соҳалари, коммуникация, савдосотиқнинг ривожланиши таъоман бошқа даражага кўтарилган.

Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи инсон сифатида мен мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда маънавий ва маданий қадриятларни тиклашга устувор йўналиш сифатида қаралаётганини алоҳида мамнуният билан қайд этишни истар эдим. Ёдимда, ўз маърузаларидан бирида Президент Ислам Каримов мамлакат тараққиётини бир қанотда иқтисодиёт, яна бирида эса маънавият жойлашган қўшағи ўхшатган эди. Шу боис Ўзбекистонда маънавий масалаларига иқтисодий тараққиёт билан бирдек эътибор қаратилаётгани менга алоҳида мамнуният бахш этди. Бу ўз юрти ва халқидан фахрлан-ниш ҳиссини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги ҳаётим да-

вомида мен халқингизнинг маданияти ниҳоятда ранг-баранг эканига ишонч ҳосил қилдим. Мамлакатнинг ҳар бир минтақаси ўзининг маданий хусусиятлари, бекиёс анъаналарига эга. Бир вилоятдан иккинчи вилоятга ўтгач, одам бир дунёдан бошқа бир дунёга тушиб қолгандек ҳис қилади ўзини. Энг эътиборли жиҳати эса Ўзбекистонда миллий маданият ва диний қадриятларни ривожлантириш билан бир қаторда мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган бошқа миллатларнинг анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон — бу қўшна ва буюқ тарихга, бой ва ранг-баранг маданиятга, бекиёс меъморий ёдгорликлар, доно ва меҳмондўст, ўз тарихи ва бугуни билан ҳақли равишда фахрланаётган халқига эга бўлган мамлакатдир.

Сўзлашди: Бобур СОБИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири.

Августдаги меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

ЎЗА ДЕҲҚОН МЕҲРИДАН ЯШНАР

— Ғузорлик фермер Ғайрат Пулатовнинг даласидаги ғузларни кўриб оғзим очилиб қолди. Ҳар бир туп ғузга 35-40 тадан кўсак бор...

Ғайрат Пулатовнинг машҳур фермер эканлигини, ҳар йили ғалла ва пахтадан юқори ҳосил олиб келатганини билсам-да, ҳамкасбимнинг бу гапига ишонқирамай қараган эдим. Аслида ҳосил чўчи бундан ҳам баланд экан. Яна янги-янги кўсаклар пайдо бўлаётти.

— Ғузанинг ривожини ўтган йилдагидан йигирма кун олдинда, — дейди фермер ишонч билан. — Чигитни апрелнинг биринчи ўн кунлигида экиб тугатган эдик. «Бухоро — 6» нави серҳосил, ишловни яхши кўради. Уғитдан, сувдан камий қолмади. Ун тўрт марта культивация қилдик.

Ўза — эътиборни яхши кўра-

ди. Деҳқон меҳрига қонса, яшангандан яшайверди. Ҳозир эгати кўриб оғзим очилиб қолди. Ҳар бир туп ғузга 35-40 тадан кўсак бор...

Фермер даласидаги ғузанинг ҳолати деҳқонларнинг бугунги шижоатли меҳнати бу ниятнинг ижобат бўлишидан далолат бериб турибди.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТДА: фермер Ғайрат Пулатов. Ш. ШАРОПОВ олган сурат.



Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги ҳамда «Шарқ тароналари» олтинчи халқаро мусиқа фестивали олдидан олиб борилаётган тайёргарлик ишларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда тегшли муассаса, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

ТАНТАНАЛАРГА ТАРАДУД ҚИЗГИН

Тадбирда мустақиллик йилларида юртимизда миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва кенг тарғиб этиш, ота-боболаримиз қолдирган моддий ва маънавий меросни чуқур ўрганиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумшаърий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида оламшумул ишлар амалга оширилатгани таъкидланди. Шарқнинг энг қадимий шаҳарларидан бўлган Самарқанд ҳам истиқлол шарофати билан янада чирой очиб, ғузаллашиб бораётти.

Самарқанднинг қутлуғ тўйи ва халқаро мусиқа фестивали энг азиз ва энг улуг байрамимиз арафасида ўтказилаётгани бу шаҳарнинг шон-шўхратини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Анжуманда мазкур тантаналар олдидан амалга оширилган кенг қамровли ишлар, юбилей тантаналари ва фестивалнинг очилиш маросими учун тайёрланаётган бадиий дастурлар ҳақида сўз юритилди.

Ўзбекистон истиқлол тугалиги ўзининг бой маданияти, маънавий меросини дунёга намойиш қилмоқда, — деди Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир Йўлдошев. «Шарқ тароналари» каби нуфузли санъат анжуманлари бунинг бир қарра акс эттириш, аждодларимизнинг анъаналарини бугунги ёш авлод давом эттираётганини кўрсатишга имкон беради.

Самарқанд юбилейига бағишланган дастур ҳам ўзига хос маъно-мазмунга эга. Унда Самарқанднинг ўтмиши ва бугуни, миллий урф-одатлар, маросимлар бадиий лавҳаларда ифодаланади, халқ оғзаки ижоди намуналари, яъна лапарлар ижро этилади. Байрам доирасида қўнраманчилик махсулотлари кўргазмаси намойиш қилинади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтарилди.

Ғ. ҲАСАНОВ, ЎзА мухбири.

Абди ҚОДИРОВ.

Лизинг қўл келди

Навоийлик фермерлар йил бошидан бунён «Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг» акциядорлик компанияси вилоят филиали ёрдамида 128 та турли русумдаги техника воситасига эга бўлдилар. Бунинг учун 1352 миллион сўм маблағ сарфланди.

Навоийлик фермерлар йил бошидан бунён «Ўзқишлоқхўжалиқмашинизинг» акциядорлик компанияси вилоят филиали ёрдамида 128 та турли русумдаги техника воситасига эга бўлдилар. Бунинг учун 1352 миллион сўм маблағ сарфланди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БОЙСУННИНГ НОЁБ КЎМИРИ

Активлашган кўмир мамлакатимизга асосан хориздан келтирилади. Унинг бир тоннаси жаҳон бозоридида 1 минг 500 доллардан 4 минг долларгача туради. Ҳолбуки, уни бойсунда тайёрлаш имконияти мавжуд.

лион сўм эвазига бунёд этилган мазкур фабрикада, ўз навбатида 18 та янги иш ўринлари яратилди. Янги корхонанинг афзаллиги шундаки, эндиликда бу қондан ҳеч қандай чиқит қилмайди. Энг муҳими, 2 килограммлик гишт шаклида чиқаётган кўмир ўта сифатлиги билан харидоригар бўлмоқда.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бошқа қонлардаги брикетга мазут қўшилади. Натижада ундан кўнра хид тарқалиб, олов йўллари кукун босади. Бойсун кўмирига эса маҳаллий махсулот бентонит ва Денов ёғ заводида ишлаб чиқариладиган совун чикиндиси — соапсток аралашмаси қўшилади. Бу эса экологик жиҳатдан жуда тоза ҳисобланади.

Қазиб олинаётган кўмир 8 минг 200 юқори килокалориягача иссиқлик бера олади. Ҳамдўстлик мамлакатларида бундай юқори иссиқлик берадиган кўмир қони бармоқ билан санарди. Масалан, Ангрэн ва Шарғун кўмири 3,5 минг килокалориягача иссиқлик бериш имкониятига эга. Шунинг ўзи ҳам бу ердаги махсулотнинг сифати жуда юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Шунингдек, Бойсун кўмири таркибида кўмир окиси,

кўмир электроди, карбит-кальций мавжуд.

Навоийдаги электрохимия заводи лабораториясида 18 тонна кўмир синовдан ўтказилганда 10 тонна махсулотдан 3 тонна активлашган кўмир олиш мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди. Ҳозирда ана шундай активлашган кўмир ўзбекистоннинг эҳтиёжини 1,5-2 минг тонна атрофида бўлиб, ў асосан валюта ҳисобига хориздан келтирилмоқда. Дарвоқе, бу ноёб махсулот озмиқ-қат, тиббиёт, энгил санаят, ҳарбий техника, узатиш ва қабул қилиш мосламалари, радио техника учун ҳам жуда зарурдир. Масалан, нефтни қайта ишлаш жараёнида активлашган кўмир билан бензин, керосин, саларка фильтрланиб сифатли махсулотга айланади. Ёки спирт ишлаб чиқаришда ҳам активлашган кўмир асосий омил ҳисобланади.

Мустақиллик йиллари арафасида иш бошлаган, айна пайтда «Шарғункўмир» очик акциядорлик жамиятининг Бойсун участкаси сифатида фаолиятини давом эттираётган Тўда кўмир қони билан хоржий ишбилармонлар ҳам ўз пайтда қизиқишди. Масалан, бундан

10-15 йил муқаддам Американинг «Лентон» фирмаси ишбилармонлари йилига 500 минг тонна кўмир ишлаб чиқарадиган корхона қуришга, бунинг учун 14 миллион доллар сармомая ажратишга келишиб олишган бўлса, бир муддатдан сўнг ана шу давлатнинг «Conting Euterprises» фирмаси маҳаллий хомашдан активлашган кўмир ишлаб чиқаришга ихтисослашган завод қуриш истагини билдирган эди. Шунингдек, Голландия, Туркия, Германия ишбилармонлари ҳам Бойсун кўмири билан қизиқиб, инвестиция киритиш истагида эди. Бироқ мазкур қоннинг тежир йўлдан анча узоқ масофада жойлашгани уларни чўйитиб турганди.

— «Тошғузар-Бойсун-Кумкўр» темир йўлининг барпо этилиши хоржий сармомадорларни яна биз билан шартнома тузишга ундамоқда, — дейди участка бошлиғи Урал Назаров. Ҳа, мазкур темир йўли ишга туширилгач ҳақиқий Бойсун мўъжизаси рўй беради. Мамлакатимиз ва хоржий истеъмолчиларга йилига минг-минг тонналаб сифатли тошкўмир ва брикет махсулотлари етказиб берилади. Минглаб одамлар иш билан таъминланади. Энг муҳими, мамлакатимиз эҳтиёжини давом эттираётган Тўда кўмир қони билан хоржий ишбилармонлар ҳам ўз пайтда қизиқишди. Масалан, бундан

ЖАҲОН 24 соат ичида «Карни» йўлаги очилиши керак

БМТ Фаластин мухторияти ва Исроилдан икки мамлакат ўртасидаги «Карни» ўтиш йўлагини тезлик билан очишни талаб қилди.

Фаластинга шу йўлак орқали инсонпарварлик ёрдами келтирилади.

Музокаралар жойи маълум эмас

Жанубий Корея ҳукумати Афғонистондаги асирларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун толиблар билан музокара ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

Бирок ҳозирча учрашув жойи аниқ эмас. Айтиш мумкин, жангарилар қўлида 21 корейлик фуқаро сақланмоқда.

«Airbus» компанияси Бразилиянинг Сан-Пауло аэропортида ҳалокатга учраган «А-320» авиалайнерида техник хатолик рўй бермаганини маълум қилди.

«Қора қути» аниқлик киритди

Мажор самолёт шу йилнинг 17 июль кунини ҳалокатга учраган ва барча айб унвчида, дея таҳмин қилинганди.

Тўқнашувлар қачон барҳам топади?

Филиппинда ҳукумат кучлари ва «Абу-Сайф» террорчи ташкилоти жангарилари ўртасида тўқнашувлар давом этмоқда.

Сўнгги икки кун ичида Сулу музофотининг жанубида 52 киши ҳалок бўлди, дея хабар беради РИА «Новости».

Кеча Моореа оролида авиаҳалокат рўй берди.

«Эйр Моореа» авиакомпаниясининг самолёти парвозни амалга ошириш жараёнида портлаб кетди.

Оролдаги авиаҳалокат

нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Франция ҳарбий денгиз кучлари томонидан олиб борилган кутқарув ишлари натижасида 14 кишининг жасади топилди.

Жониворларнинг янги тури

Ёввойи ҳайвонларни асраш жамияти Конго Демократик Республикасига экспедиция уюштирди.

Мамлакатнинг шарқий ўрмонларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида олтинта янги турдаги жонивор топилди.



Манбаларда келтирилишича, қоғоз эрамининг II асрида Хитойда кашф этилган. Лекин VIII асрдан XVIII асргача Самарқанд — «Қоғоз шаҳри» сифатида дунёга маълум ва машҳур бўлган.

Мангуликка муҳрланган кашфиёт

— Китобчилик тарихи бўйича Франция, Туркия ва Россияда нашр этилган адабиётларнинг барчасида Самарқанд қоғозининг тарихи, албатта, келтирилади.

дат ижод қилмай қўйибди. Шогирдлари: «Устоз, нега ёзмайсиз, биз асарларингизни кутаямиз», деганда, Сукрот: «Мен қанча кўп ёзсам, шунча кўп ҳайвон сўйилаётти», дея жавоб қилган.

— 300 йил давомида тайёрланиши сир тутилган Самарқанд қоғози, ниҳоят XIII асрга келиб бутун Европада

ёйилди. Дастлаб Испания ва Италияда, кейинроқ Франция ва Германияда Самарқанд услубига асосланган илк қоғоз фабрикалари қурила бошланди.

— Бугун асл пўлни қалбакидан фарқлайдиган «сув белгиси»га аслида самарқандлик машҳур қоғозгар асос солган, — дейди профессор. — Тўғри, у уста Иброҳимга тегишли ихтиро сифатида патентланмаган.

Уз даврида қоғозчилик

бахода сотилишининг боиси ҳам шунда... Дарвоқе, Самарқанд қоғозининг таърифи хусусида Заҳириддин Муҳаммад

Атиргул бўйини таратувчи восита билан бойитилган. Узққ мuddат сақлаш хусусиятига эга бўлган. У чиримаиди, қурт-қумурсқага ем бўлмади, ёзувлари ювиб ташлангач яна ишлатса бўлаверарди.

— Ҳақиқатан ҳам, қоғоз ишлаб чиқариш учун сув тегирикларида кенг фойдаланилган. Шу боис, Бобур Мирзо Кониғилда 200 дан ортиқ сув тегириклари борлигини ўз асарида ифода этган, — дейди Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти доценти Дилшоҳ Султонова.

— Бугунги қоғозлар тарихига бўр қўшилади. Самарқанд қоғози эса табиийлиги билан ажралиб турган.

Давлатмурод МҮМИНОВ.

2007 йил 24 - 28 август кунлари. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспортга йўналтирилган маҳсулотларининг «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган - 2007» анъанавий кўرғазмаси бўлиб ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ. МАТБУОТ КОТИБИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Матбуот котибининг асосий вазифалари: Савдо-саноат палатаси ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) ўртасида мустаҳкам ва ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш;

АТ «ПАХТАБАНК» томонидан ёш оилаларга кўрсатиладиган банк хизматлари бўйича тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИГА мурожаат қилишингиз мумкин:



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное Слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўша корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.

Асака тумани «Оби-нон» очик акциядорлик жамияти комплекси сотилади. Банкротлиги эътироф этилган Асака тумани «Оби-нон» очик акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш биноти, шоколади вафли ишлаб чиқариш «NIELSEN» чет эл технологик линияси мажмуа сифатида 460934618 сўм бошлангич қийматида сотилади.

Российский линолеум Обои виниловые. Форма оплаты — любая. Товар сертифицирован. тел. 134-48-11 факс 134-49-58

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси Солиқ сисёати бошқармаси бошлиғи И. Х. Гольшевага онаси Валентина МАРКУНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик ихзор этади.

Кўнгил жиёбони



Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қоҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

Камолнинг муборак

Камолнинг муборак бўлсин, истиқлол,
Уи олтмига кирган ўспирин юртим.
Эзгу умид билан эскирган ниҳол
Тотли ҳосилини, шукрки, кўрдим.

Шукрки, долғали йўлардан бориб,
Бу обод кунларга етдик аъломон.
Биз шундай яшадик: эликда қариб,
Етмишга кирганда бўлдик навқирон.

Қарашма

Қиз боланинг рост гапи оздир,
Елғонлари бисёр, адашма.
«Тегманг менга», дегани - ноздир,
«Нари туринг», деса - қарашма.

Ишва билан «Қуриб кетинг», дер,
Кўнгалга ҳеч қаттиқ олмагин.
«Ушнг» деса, линаб юрар, дер,
«Қочинг» деса, қочиб қолмасин.

Ҳеч гул борми ахир тикансиз,
Тиканига фидо қилгин экон.
Бир кун айтар: «Ёмон экансиз,
Майноси: - Сиз энг яхши инсон!»

Ўзбекнинг сўзлари

Ўзбекнинг хўп сўзлари бор.
Меҳрибон эр -
Гапин айтиб сизларни бир қулдираман:
У хотинга, менадан олдин ўлмагин, дер,
Қўшиб қўяр, ўлсанг худди ўлдирман.

Ипанини ҳасратли

Иена айтар эмиш инсонга,
Қайримга ет, кўзни оч, дермиш.
Кийим тикдим жумла жажонга,
Ушм эса - яланғоч, дермиш.

Асли унга либос нима ган,
Бу ҳасратнинг сабоги бордир.
Шу белиннат ипанининг ҳам
Раҳматга зор қулоғи бордир.

БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛФИЛКИ...

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида оилавий Меҳрибонлик уйи очиб, ота-она меҳридан жудо бўлган болаларни оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган Роҳила опа айни кунларда ҳам эзгу ишлар ташвиши билан яшамокда. Тўнғичи Муҳаббатни турмушга узатди. Уғиллар ҳаёти ҳам изига тушиб кетган. Уйдаги бола-чақа шовқинига ўрганиб қолган онахон яна беш нафар опа-укани ўз бағрига олди. Роҳила опа улгар билан бахтиёр, улгар борки, кўнгли бутун.

— Яхшилик, азгулик ҳақида сўз кетганда кўз олдимга Роҳила Муҳаммадиева келади, — дейди Бухоро шаҳридаги 11-маҳалла фуқаролар йиғини фаолларидан бири Муслима Азимова. — Ахир, шунча болага оналик қилиш, улгарга меҳр-муҳаббат улаштириш айтишгагина осон. Ҳозир «Муҳаммадиевлар» оилавий Меҳрибонлик уйида ўн нафар бола тарбия топмокда. Болалар ҳам онанинг гамхўрлиги туйғайли ўй-ниш ва қайғу нималигини билмай ўсишяпти. — Сал тобимиз қочқудек бўлса, ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар, — дейди Фарғана исмли қизалоқ. — Онахоним мени бағрига босса, дунёда мендан бахтли одам бўлмайди. Бирор ерим оғриганида ҳам онамга айтиб, эрқаланаман. Бир марта бошимни силаб: «Энди оғримайди, қизим», десалар тузаиб қоламан. Ҳа, яхшилик унутилмайди. Унинг илдизи мус-тақам. Ҳаёт мазмуни, унда умргузаронлик қилмоқдан мақсад ҳам узидан яхши ном қолдирмоқ, аслида...

Гулдай фарзандини тирик етим қилиб, акрашиб кетётган, хатто ўз жигарғушасидан тарикдек меҳрини, яхшилигини дариг тутаётган айрим ота-оналарни кўрганда Роҳила опадай инсонларнинг бағрикенглиги, ҳиммати, болақонлигига тасанно айтмай бўладими?

— Ўшлимим Ғиждудондаги 32-Меҳрибонлик уйида ўтган, — дея эслайди Раҳматилла ака. — Биласиз, ҳозир бу Ўзбекистон Бухоро шаҳрига қўчган. Ўша пайтларда мактаб-интернатда юз хил фелъ-автор, ўй-хаёлдаги болалар бор эди. Бир гал Ғиждудон бозоридаги гўвжум дўконда қўл чирогини кўриб қолдим. Сотиб олай десам, пулим йўқ. Шу матоҳни ими-жумида ўғирладим. Бир маҳал «ана энди сафимизга қўшилдинг» дея ўртага олишди интер-

натдаги ўғри болалар. Бу гап муштумзўрларнинг поғунини пасайтириб, менга ўйшаган охиж болаларнинг ёнига олиб юрадиган Ботир ақанинг ҳам қулоғига етган экан. Бир ҳафтага саломимга алик олмади. Ўзим ҳам унга рубаруб келгани чўчиб юрдим. Ниҳоят у бир кун ёнига қаҳириб, «Бўпти, иккинчи бу ишга қўл урма», деди. Елкадан тоғ ағдарилгандек бўлди. Минбаъд ёмон ишга қўл урмадим. Орадан йиллар ўтди. Ҳозир ёшим 45 да. Болаларим воёга етиб қолди. Аммо хали-хануз мени жар ёқисдан қайтарган Ботир ақани соғиниб билан эслайман. Яхшилигини унутма олайман. Бу сўзларни тинглаб, яхшилик дарахти ҳеч қачон завоил билмаслигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилсан, киши. Зеро, Мирзо Бобур ҳазратлари ёзганларидек: **Бори элга яхшилик қилмакчи, мундин яхши йўқ, Ким десаилар, даҳр аро қолади фалондин яхшилар.** **Истам ИБРОҲИМОВ.**



Садоқатли аёл

Бир кун Басра шаҳрининг ҳоқими хордиқ чиқариш учун ўз боғига борди. Боғонининг ифатли, номусли ва жуда гўзал хотини бор эди. Ҳоқим у гўзалга ошиқ бўлдию, кўнгли майлини изхор этмоқчи бўлди. Бир ишни баҳариб келиш учун боғонини узроқ ерга юборди. Кейин хотинга боғ эшикларини беркийтиб келишни буюрди. Хотин қайтиб келгач, ҳоқим: «Хамма эшикни беркийтиб келдингми?» — деб сўраган эди, хотин факатгина бир эшикни очиб қолдирганини айтди. Ҳоқим бунинг сабабини сўраган эди, хотин шундай жавоб берди: — Мен уни беркийтишга оқиман. Чунки у эшик — менинг виждоним, эримга садоқатим эшиги. Бу сўзани эшитган ҳоқим кўп хижолат чекди: — Синглим, мени кечир, — дея, қўлмишидан пушаймон бўлиб хотиндан узр сўради.

Латифалар

Эшмак дарига негалар кечкиб келдию, муаллим ушдан сўради: — Хўш, нега кеч қолдинг? — Ахир, ўзингиз доим «Ўқинингиз эрта-кечи йўқ» дердингиз-ку! — Синглим, нега сиз трамвайга олдингиз эшикдан чикаясан? — Мен болалиман, ахир! — Қани болангиз? — Орқа эшикдан чиқди.

Одилик синов

Бурунги замонда бир қози бўлган экан. У хамиша адолатли ҳукм чиқарар, халойиқ ҳам ундан рози экан. Қозининг таърифи подшонинг қулоғига етибди. Подшо унинг қимлигини ўзим синаб кўрай, деб савдогар қиёфасида йўлга чиқди. Бир неча кун юриб, қози яшайдиган кўчадан ўтиб кетётган эди, бир гадоий унинг йўлини тўсиб садақа сўради. Подшо садақа берди. Гадоий эса ялиқди: — Менинг оёғим майиб, юролмайман. Отингга мингаштириб хўв анави ергача обориб кўй. Подшо қараса, гадоий оқсоқланиб юрибди. Уни отига мингаштириб айтган ерига олиб борди. — Мана, келдик, биродар, энди қол, мен бошқа ёққа кетаман. — Узинг туш, — деди гадоий, — бу менинг отим. Ўйга кетишим керак. — Эсинг жойидами, ўзи? — деб қулибди подшо. — Аввал садақа сўрадинг, бердим. Кейин оёғим оғриди, отингга миндир, деддинг, кўндинг. Яхшиликка ёмонликми? Туш отдан! Гадоий жар солиб бақира бошлади: — Халойиқ, ёрдам беринглар! Мана бу киши зўравонлик қилиб отимни тортиб олмоқчи. Мен бир ногирон, бечора кимсаман. Одамлар савдогар либосидаги подшога танбех берди: — Бир гарибга зуғум қилиш мусулмон кишига ярашмайди, отини беринг. — Бу менинг отим-ку, қандок қилиб бераман? — Унда қозига борамиз, — деди гадоий. — Бўпти, — деди подшо ва иккалеси узун-қисқа бўлиб, қозихонага кириб боришди. Қарашса, қозининг олдида бир мулланамо киши билан оиди кийинган одам гап таллашиб турибди. Уларнинг бири олим, бири деҳқон экан. — Ахир, бу аёл менинг жуфти ҳалолим, йигирма йил бўлди, бирга яшаймиш, — деб олим паранжаник заифага ишора қилди. — Йўқ, бу менинг хотиним, тўрт боланинг онаси. Ўз аёлимни ўзим танмайманми? — деди жиғибирон бўлиб деҳқон. — Адолат қилинг, қози почна! — Бу заифа бугунча шу ерда қолсин, сизлар эртага келинглар, — деди қози. Олим билан деҳқон чиқиб кетишди. Қози «қўлим сизларда» дегандек мусофир киши билан мажруҳ гадоийга ўғирлиди. Аввал подшо гапирди. У бўлган воқеани батафсил айтиб берди. Сўнг гадоий сўз олди: — От миниб келаятган эдим. Мана бу тақсирим йўл четидида ўтирган экан. Оёғим оғриди, хўв анави ергача отингга миндириб ол, деди. Хўп, деб орқамга мингаштирдим. Айтган ерига қалганда туш, десам, от меники, деб тушмайди-да. Одилик ҳукм

Ажабо! Бу бўлмаса, бошқаси...

Белград яқинидаги Жарков шаҳрилик фуқаро Рамо Османнинг юраги иккита экани аниқланган. Юракларнинг бири, одатдагидек, кўкракнинг чап қисмида бўлса, иккинчиси ўнг томонда жойлашган. Гарчанд ҳар икки аъзо ҳам меъдаридадан кичик бўлса-да, ўз вази-фасини бажаришда «оқсавтани» йўқ.



Пахлавон Гуаак
1897 йили Канадада бахайбат гўдак дунёга келганлиги ҳақида хабарлар бор. Унинг бўйи 76 сантиметр, оғирлиги 10,7 килограммни ташкил қилган. Пахлавон гўдакнинг онаси ҳам чакки эмас. Анна Батис исми бу аёлнинг бўйи нақ 2 метру 24 сантиметр бўлган.

ВАА... ВАЛАЙ...

кўрқитинг. Киш-лоқда осилмаганининг мэн қолувим. — Кўрқма, сенга астойдил о с и л м о қ ч и эмасман, — муруват кўрсатган бўлди Ширмон биркўз. — Урайим қилган кингир ишлардан ҳеч бўлма-дан иккитасини менга ўрмалатгин-у, яхшилик билан тарқалайлик. — Эмгирали Ширмон биркўзга чимирлиб боқди: — Калхўз йўқлиб кетганига анча бўлди. Урайим ака ҳозир пенсияда. Сизга нима қилди у? — Маълумот беришдан олдин, айбини билволгинг келаятган бўлса, хўп, айтай, — тулкиланди Ширмон биркўз. — Урайим ўзи биринчи бўлиб менга ёпишди. Бўлмаса уни пайпаслашдан бўлак ишим йўқми? Душманликка сабаб бўлган воқеани эшитиб, Эмгиралининг қорнида кулги чулдиради. Ширмон биркўз кўчадан кетиб бораётса, Урайим новча торморқасига сув очиб турган экан. Буниси ўзини пастроқ олиб, «ассаломалайкум» деса, унис ноҳушига «вал...» деб, хиёл бош қимирлатиб қўйибди. — Амалдорлигидан ундан «Маскум»имга битта қарданний вал сўраб борсам, омордан топиб бериб, пулини буголтирга тўлаб қўярсиз, деганиди. — негадир фикрини хотирлади Ширмон биркўз. — Ана тўлайман, мана тўлайман, деб юриб, паққос эздан чиқиб кетган экан. Мана, охири «вал...» деб, ўша эски темирини шунча қилди-я. Вой, ўривачча-ей! Шунча ўмарган нарсанган биттиси текинга кетса, ўлиб қолмасан! Эмгирали буйинини қалиб туриб, Урайим новчанинг жуда ҳалол одамлигини ўрғулагач, у «вал» де-

ганда ўша қардан валини хаёлига ҳам келтирмай, «ваалайкум»ни ортиқча қисқартиб айтган бўлиши мумкинлигини тахминлади. Кейин: «Шунчалик ўпқалаган экансиз, буни ўзига айтиб қўя қолмасиз-да, ака», деб қўйишча қилди. — Нима, мени индамай кетадиганлардан деб ўйлаясанми? — чўччанглади Ширмон биркўз. — Урнидаёқ тузаладим уни. Жойингда қимирламай тур, дедим. Ҳозир бошқадан салом бераман, одамдай алик олишини ўрган, дедим. Уқингми? — Уқдим, Ширмон ака, уқдим. Кейин нима бўлди? — Кейин, икки қадам орқага қайтди, ёнидан яна салқоқ бериб ўдим. Барибир ўша туриш - ўша туриш. Бетимга қарамасдан, «ваалай...» деб қўйди, холос. Шунда аниқ билдимки, менга нисбатан ичиди кири бор. Эмгирали Ширмон биркўзга хафсаласиз тикилиб: «Бунақа тор бўлманг-да, ака. Кейингисиде «ваалай» деб аникроқ айтибди-ку», дея дакки берган бўлди, Буниси эшитиб, Ширмон биркўз жахланганича лунжини тиратди: — Бу қаллами, ноғорам? Кейинги гапи олдингисиданам баттарлигини пайқамадингми? Урайим «ваалай» деган гапни «ваалай»га ўхшайди айтиди. «Валай» бу — ўрчисада «қоранги ўчир» дегани. Хе, тил билмаган ипринди! Сўфи азони эшитилди. Эмгирали: «Бўпти, мен борай бўлмасам», дея сўхбатни чала қолдириб, мачит томонга юрди. Тўрт-беш қадам босиб улгурмасидан, ортдан: «Вей, бола! Бу туришда ўзингга ёмон бўлади-я!» деган вағиллоқ товуш таралди. «Худонинг уйи»га бораётган Эмгирали қандайдир нотавон бандининг дағдағасига парво қилмай, йўлидан жингина кетаверди.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадди Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Тижорат материал
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА йқуни — 24.00
Тошпирлиди — 00.35
1.3456
МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпаев.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ф. Саъев.
Мусаҳҳахчи — М. Ёқубова.